



# ОЛОТ НАХОТЛARI

2019 йил  
4 июль  
ПАЙШАНБА  
№ 25  
(4276)

E-mail:  
olothayoti3@umail.uz

Халқ депутатлари Олот туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги газетаси

**Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами кенг нишонланди**

## 300 ТА ТЕЛЕФОН, 14 ТА ПЛАНШЕТ, 2 ТА КОМПЬЮТЕР ЖАМЛАНМАСИ – БУХОРОДА БУНАҚАСИ БЎЛМАГАНДИ

Бугунги кунда Бухорода иккита вилоят, шунингдек, ўн иккита туман ва шаҳар газеталари, қатор тармоқ нашрлари ҳамда иккита телерадиокомпания, олтишдан зиёд матбаа корхоналари, ўнга яқин блогерлар фаолият кўрсатмоқда.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан мазкур жамоалар аъзолари, республика нашрлари вакиллари, соҳа фахрийлари Бухоро шаҳридаги “Рўдизар” маросимлар мажмуасига таклиф этилди.

Бу ерда журналистларни шарафлаш тадбири бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокими Уктам Барноев сўзга чиқди.

Маросимда мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг ислохотлар доирасида Бухоро вилоятида ҳам ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқ турмуш фаровонлигини янада яхшилашга қаратилган қўламли ишлар қилинаётгани таъкидланди. Инвестиция мамлакат тараққиётини янги босқичга кўтаришнинг муҳим омилга айланган. Бугунги кунда вилоят иқтисодиётига ҳам тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилмоқда. Шу билан бирга, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида вилоятдаги 39 та ҳудудда аҳолига янада қўлай турмуш шароитини яратиш, уларда замонавий инфратузилмани ташкил этиш борасида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган. Ана шу мақсадларга республика бюджетидан ташқари, вилоят маҳаллий бюджетидан 250 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда. Вилоятда тадбиркорлик ва сайёҳликни ривожлантириш, маданий мерос объектларини асраш борасида катта марралар белгиланган. Албатта, амалга оширилаётган ишлардаги илғор тажрибаларни тарғиб қилишда, кўзда тутилаётган лойиҳаларни рўёбга чиқариш борасида юзага келаётган муаммоларни бартараф этишда журналистларнинг алоҳида ўрни бор.

Маросимда вилоят, республика оммавий ахборот воситаларининг бир гуруҳ ходимлари халқ депутатлари вилоят Кенгашининг

фахрий ёрлиқлари ва телевизорлар билан тақдирланди.

Шунингдек, туман ва шаҳарлар газеталари таҳририятлари ходимларига байрам совғаси сифатида планшетлар топширилди.

–Албатта, ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этиш ва жамиятимизни янада янгилаш, кишиларнинг фуқаролик позицияси ва уларда дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, коррупцияга қарши мурасизлик туйғусини тарбиялашда журналист зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан кучли бўлиши керак, – дейди “Бухоронома” вилоят газетасининг муҳбири Наргиза Қувончева. – Бу бизни янада самарали изланишга, муаммоларни дадил ёритишга ундайди. “Бухоронома” ва Бухарские вестник” газеталари ҳамда вилоят телерадиокомпанияси жамоалари компьютер тўпламлари билан тақдирланди.

Таъкидлаш жоиз, уларнинг моддий-техника базасини яқин орада янада мустаҳкамлаш, қолаверса, соҳа ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Бунинг тасдиғини биргина 2018 йилда маҳаллий бюджетдан қарийб 500 млн сўм маблағ ажратилиб, вилоят телерадиокомпанияси зарур техник ва автотранспорт воситалари билан таъминланганлиги, соҳа ходимларидан 20 нафарига имтиёзли кредит асосидаги арзон уй-жойлар берилганлигида кўриш мумкин.

Тадбирда 300 нафар соҳа вакилларига замонавий уяли телефонлар ҳам совға қилинди.

Таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар ва рақслар байрам даврасига ўзгача кайфият бағишлади.

Яна бир эътиборли жиҳат. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида Бухоро шаҳрида журналистлар ҳамда уларнинг оила аъзолари чуқур тиббий кўрикдан ўтказилиб, саломатликларни тиклаш бўйича тавсиялар берилди.

(Buxoro.uz)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олот туман ташкилотининг еттинчи конференцияси бўлиб ўтди. Дастлаб анжуманда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олот туман ташкилотининг жорий йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар муносабати билан ташкилий ва сиёсий вазифалар тўғрисидаги масала атрофида муҳокама

### ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТУМАН ТАШКИЛОТИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

қилинди. Бу борада халқ депутатлари туман Кенгашидаги Халқ демократик партияси депутатлари гуруҳи раҳбари С.Оққиев маъруза қилди. Шундан сўнг Ўзбекистон ХДП Олот туман кенгаши раиси Хуршид Неъматовнинг партия туман ташкилоти томонидан 2014-2019 йиллар давомида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди. Конференцияда Ўзбекистон ХДП туман кенгаши тафтиш комиссиясининг 2014-2019 йиллар давомида олиб борган ишлари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳининг ўтган даврдаги фаолияти бўйича ҳисоботи тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Музокараларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари З.Аллоқов, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Н.Неъматова, О.Атоқов, О.Ҳотамов, М.Қаҳҳоровалар сўзга чиқдилар.

Анжуманда ЎзХДП туман кенгаши аъзолари, тафтиш комиссияси аъзолари, Бухоро вилоят ташкилотининг конференциясига делегатлар сайланди.

Шу куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Хуршид Неъматов Ўзбекистон ХДП Олот туман кенгаши раиси этиб сайланди.

Конференцияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Анжуманда ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши масъул ходими М.Арслонов қатнашди.

Жўра ҲАМРОЕВ.

## Оммавий ахборот воситалари ЎЗМТДП нигоҳида

27 июнь—матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами муносабати билан ЎЗМТДП Олот туман кенгаши томонидан давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда ЎЗМТДП Олот туман кенгаши раиси Ғ.Нарзуллаев фидокор касб эгалари бўлган соҳа ходимларини байрам билан самимий қутлаб, эл-юрт манфаати ва Ватанимиз салоҳиятини бундан-да юксакларга кўтариш йўлидаги масъулиятли ва шарафли фаолиятларида муваффақиятлар тилади. Ташкил этилган тадбирдан кўзланган мақсад амалга оширилаётган улкан янгиланиш ва бунёдкорлик ишларини, барча соҳа ва тармоқларда қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг мазмун-моҳиятини, давлат дастурларининг ижобий самараларини кенг жамоатчиликка етказишда самарали фаолият кўрсатаётган журналистларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ва камтарона рағбатлантиришдан иборат эканлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда давлат раҳбарининг ташаббуслари ва ғоялари асосида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бўйича босқичма-босқич, аниқ мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Натижада матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг фаолият самарадорлиги оширилди. Бу эса жамиятда ОАВ ролини кучайтириш, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётда муносиб ўрин эгаллашгани таъминлайди.

Журналистларнинг юртимизда кечаётган улкан ўзгариш ва янгиланишларни миллий ва халқро даражада кенг жамоатчиликка етказиш, ҳолис ва ҳаққоний ахборот тарқатиш борасидаги шарафли ва масъулиятли фаолияти диққатга сазовордир. Мазкур йўналишлардаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўз-



бекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам ОАВ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Туманда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни кенг жамоатчиликка етказишда муносиб ҳисса қўшиб келаётган «Олот ҳаёти» таҳририяти жамоасига ҳамда фаол, соҳа фидойиси бўлган газета муҳаррири Ҳ.Бозоровга юксак меҳнатлари эътирофи сифатида партия ташкилоти туман кенгаши томонидан таъсис этилган ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

М. ҲАЙДАРОВА,

ЎЗМТДП Олот туман кенгаши ижрочи котиби.



**БЕШ ТАШАББУС–БЕШ ҚАНОТ**

**ЭРТАМИЗ  
ЭГАЛАРИ  
ИСТИҚБОЛИ  
ЙЎЛИДА**

Кейинги йилларда юртимиз ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалалари мунтазам таъкидланади. Айтиш керакки, бугунги даврда ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Унинг биринчиси ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш бўлиб, шу мақсадда ЎзМТДП туман кенгаши ташаббуси билан яқинда тумандаги «Роҳат» болалар ёзги дам олиш оромгоҳида «Миллий чолғу асбоблари таронаси» мавзусида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирни ЎзМТДП туман кенгаши раиси Ф.Нарзуллаев очди. У ёшларни ташкил этилган тадбир мазмун-моҳияти билан таништириб, оромгоҳ дам олувчиларига Ўзбекистонда чолғу маданияти жуда бой ва кенг эканлиги, шу хил асбобларнинг келиб чиқиши қадим даврларга бориб тақалиши, буларга Ўзбекистон ҳудудида ўтказилган археологик қазилмалар натижаси исбот эканлигини айтди. У илк миллий мусиқий чолғу асбоби ўрнида ёғочли узун пуфлама-най тан олинди, Ўзбекистон ҳудудида топилган бу ашё ёши 3,5 минг йил деб белгиланганлиги, қадимий мамлакатлар ҳудудларида топилган мусиқий чолғу асбоблар сурати туширилган тошлар, йирик ва майда пластиклар, амалий санъат буюмлари, деворий қўлёзмалар орқали Ўрта Осиёнинг мусиқа маданияти маркази қадимий Суғдиёнадаги Мароқандда, Хоразмнинг ўн қирғоғи ҳамда Бақтрия шаҳрида бўлганлиги тўғрисида гапирди. Шунингдек, Афросиёб харобаларидаги қазилмалар суғдларнинг сеvimли чолғу асбоби уд ва арфа бўлганлигини исботлаши, шунингдек, пуфлама чолғу асбобларининг турли хиллари ҳам топилганлиги тўғрисида батафсил маълумотлар бериб ўтди.

Тадбирда туман маданият бўлими ходимлари, 15-мусиқа ва санъат мактаби вакиллари ҳамда республика Маънавият-тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Ф.Қурбоновлар иштирок этдилар. Дастур давомида ёшлар ўзлари севган мусиқа асбобларини мароқ билан чалиб, ўртоқларини уларни чалишга ўргатдилар.

Тадбир сўнгида туман маданият бўлими ходимлари томонидан оромгоҳдаги болажонларга куй ва қўшиқлар ижро этиб берилди. Болажонлар рақсга тушиб, маданий ҳордиқ чиқардилар. Оромгоҳ раҳбари Ф.Алтиев тадбир ташкилотчиси ЎзМТДП туман кенгашига ўз миннатдорчилигини билдириб, болажонлар номидан раҳмат айтди.

Ўтказилган тадбир болажонлардаги миллий мусиқа асбобларини чалишга бўлган қизиқишни янада орттирди.

**Э. ЖУМАЕВА.**

**ФАОЛ ЁШ КИТОБХОНЛАР АНИҚЛАНДИ**

Куни кеча «Ёш китобхон» республика кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Ушбу танловда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчи ҳамда ўқитувчилари иштирок этдилар.

Танлов 10-14, 15-19 ҳамда 20-30 ёш тоифалари бўйича ўтказилди. 10-14 ёшлилар орасида 4-ўрта мактаб ўқувчиси Умиджон Жўраев, 15-19 ёшлилар ўртасида 10-мактаб ўқувчиси Фарангиз Исоқова ҳамда 20-30 ёшлилар орасида 14-иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқитувчиси Латофат Чўлливалар ғолибликни қўлга киритдилар.

Танлов сўнгида ғолиблар ва иштирокчилар Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят ҳамда туман кенгашларининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

**А. ҲАМРОЕВ,**

**«МЕН ЎҚИГАН КИТОБ»**

Мамлакатимизда китобхонлик даражаси ошиб бораётганлиги қувончлидир. «Мен ўқиган китоб» кўрик-танлови ҳам бу борадаги муҳим қадам саналади. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида ўтган танловнинг туман босқичига 23 нафар иштирокчи етиб келди. Ҳудудий босқичда қатнашган 48 нафар иштирокчи орасидан саралаб олинган бу китобхонлар ичида ҳам энг юқори балл тўплаган етти нафари ажралиб чиқди.

Кўрик-танловнинг туман босқичида Опшоқ маҳалла фуқаролар йиғинидан келган икки иштирокчи—Мадина Халилова ҳамда Гулруҳ Пардаевалар ғолиб чиқиши, вилоят босқичига йўлланма олишди.

**С. РЎЗИЕВА.**

**ОБОДОНЧИЛИК ВА  
БУНЁДКОРЛИК АВЖИДА**

«Обод маҳалла» давлат дастурида кўп қаватли уйлар таъмирига, у ерда яшовчи аҳолининг турмуш фаровонлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шу йилнинг 28 апрелида вилоят ҳокими Ў.Барноев туманимизда бўлиб, очиқ мулоқот ўтказди, шу куни кўплаб фуқароларнинг муаммолари ҳал этилди.

Жумладан, Халқобод МФЙда яшовчи бир гуруҳ фуқароларнинг оғзаки мурожаатлари ва вилоят ҳамда туман ҳокимларининг алоҳида эътиборлари туфайли ҳудуддаги 19 та кўп қаватли уйда мисли кўрилмаган ободончилик ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ҳудуддаги 224 та хонадон соҳиблари томонидан қурилган ноқонуний қурилмалар бартараф этилиб, уйларнинг том қисмлари, пойдевор атрофи, йўлаклар ва уйларга кириш йўлаклари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Аксарият кўп қаватли уйларнинг фасад қисми қайта таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди.

Ҳар қандай кўп қаватли уйларда, кичик ҳудудларда умумфойдаланадиган ҳожатхоналар талабга, санитария қоидаларига жавоб беравермайди. Халқобод ҳудудидаги шу хил аксар объектлар қайта таъмирланди. Бир қатор уйлар олдида янги ҳожатхоналар қурилиши давом этмоқда.

Ҳудуддаги Янгиобод кўчасидаги 11-, 12-уйлар олдида янги болалар майдончаси қурилди. Бошқа бир қатор кўчаларда, жумладан, Нурафшон кўчасида ҳам 1 та болалар майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Халқобод МФЙ ҳудудида жойлашган 13

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий маълумотларнинг аниқлигини таъминлаш ва аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумотларни ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5

**АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА  
ОЛИШ-МУҲИМ ТАДБИР**

февралдаги «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5655-сонли Фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш белгиланди. Ушбу Фармон ижроси юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси муҳокамага қўйилди.

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясига мувофиқ, ушбу тадбирни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбири—кенг қамровли, узоқ вақт ва кўп маблағ талаб қилувчи тадбир, мамлакатда яшовчи барча аҳолига оид бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва эълон қилишнинг ягона жараёни бўлиб, аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Тарихий манбаларга кўра, қадимги Хитой, Миср, Греция, Япония, Рим ва Эронда аҳоли ҳисобини юритиш тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. Лекин, аҳолини ҳисобга олишнинг мақсади ва услублари жуда содда кўринишда бўлиб, ҳозирги замонавий кўринишдан кескин фарқ қилган.

Тартибли кўринишдаги аҳолини умумий рўйхатдан ўтказиш илк бор 1790 йилда

та кўп қаватли уйлар атрофига 18 та ташқи ёриткичлар ўрнатилиб, ишга туширилди. Бундан ташқари, турли тадбирлар ўтказиш учун мўлжалланган зал ҳамда 2 та нонвойхона қурилди.

Ҳудуддаги кўп қаватли уйларни марказлашган ичимлик суви тармоғига улаш ишлари якунланди. Кўча тармоқлари ва абонент тармоқларига замонавий қувурлар ётқизибли, йўлаклар олдида 36 та сув жумраклари ўрнатилди.

Ушбу ободончилик ва таъмирлаш ишларини ташкил этишда кўплаб омиллар асосий ўрин тутди. Энг аввало, Президентимиз ташаббуси билан қанот ёзган «Обод маҳалла» дастури, қолаверса, вилоят ҳокими Ў.Барноев, унинг ўринбосари Н.Ҳамдамов, вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи З.Жумаев ҳамда туманимиз ҳокими Ш.Саломовнинг беминнат хизматларини эътироф этишимиз лозим. Бу раҳбарлар ҳудуд аҳолининг дуосини олиб, токи ишлар якунлангунча жараёни доимий назорат қилиб туришди. Халқимиз улардан миннатдор эканликларини ҳамisha таъкидлаб келади.

Ишлар давом этяпти, туманинг бошқа ҳудудларида ҳам таъмирлаш ва ободончилик ишлари авжида. Тез орада туманимиз янги қиёфа касб этишига шубҳа йўқ.

**У. САИДОВ,**

**туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи.**

АҚШда, ундан сўнг 1800 йилда Швеция ва Финляндияда, 1801 йилда Англия, Дания, Норвегия ва Францияда ўтказилган.

«Аҳолини рўйхатга олишнинг долзарблиги нимада?» деган савол туғилиши мумкин. Биринчидан, маълум бир санада аҳолининг аниқ сони, ёши ва жинси, таркиби,

фуқаролиги, миллатлар таркиби (кенг қамровли), оилавий аҳволи, маълумот даражаси, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, аҳоли бандлиги (касби ва мутахассислиги) ва ишсизлиги, даромад олиш манбалари, ногиронлиги бўйича батафсил маълумот олиш. Аҳолининг миллий таркиби, диний эътиқоди, оилавий аҳволи, аҳолининг миграцияси, маълумотлилик даражаси, бандлик бўйича маълумотлар, уй-жой билан таъминланганлиги ва ижтимоий соҳа кўрсаткичлари сингалар жиҳатлар ҳам муҳимдир.

Миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш кўрсаткичларини шакллантириш ва мониторинг қилишда, аҳоли пунктларининг инфратузилмасини яхшилашда, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, дастурлар, халқаро ташкилотлар ва фойдаланувчилар томонидан амалга оширилган таҳлиллар учун кенг қамровли ахборотлар тайёрлаш ва рейтинг кўрсаткичларини шакллантиришда ушбу маълумотлардан фойдаланилади.

**Н. ЖУМАЕВ,**

**туман статистика бўлими бошлиғи.**